

Ибн Сириннинг қайғуси



08:00 / 06.02.2020 1816

Ҳишом ибн Ҳассондан ривоят қилинади: «Пайшанба куни Муҳаммад ибн Сирин раҳимаҳуллоҳнинг ҳузурда эдик. Асрдан кейин бир киши келиб, Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ вафот этганини айтди. Муҳаммад ибн Сирин Аллоҳдан Ҳасан Басрийга раҳм-мағфират сўради, унинг вафоти сабабли чуқур ғамга ботди. Ҳатто ранги ўзгариб, гапирмай қўйди. Шу куни қуёш ботгунича гапирмади. Ўша куни унинг сукутини кўриб, атрофдагилар ҳам бирор нарса дея олишмади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан